



ТИББИЁТ ОЛИЙГОХЛАРИНИНГ ХАЛҚ ТАБОБАТИ ЙУНАЛИШИДАГИ ТАЛАБАЛАРИГА ПАТОЛОГИК АНАТОМИЯ ФАНИНИ УУУ-ЧИЗМАСИНИ КУЛЛАШ МЕТОДИКАСИ

Рахмонова Шахноз Каххоровна

*Тошкент Давлат Стоматология институти,
«Физиология ва патология» кафедраси, патологик анатомия йуналиши
ассистенти*

Институт микёсида барча талабалар билим савиясини ошириш,уларнинг амалий машгулотга кизикишини кутариш мақсадида педагог томонидан хар хил инновацион ноанъанавий технологиялар кулланилади.

Аннотация:*Бу кулланиладиган усул ва технологиялар талабанинг билим олиши, узлаштириши ва фанга кизикишини оширади,натижада талаба узидаги бор билимларини ошириб борилишига шароит яратилади.*

Педагог дарс жараёнида факатгина узининг соха фанига катта эътибор бермасдан балки бошка фанлар билан боглашни хам билиши лозим. Бунинг учун унда кучли билим ва махорат талаб килинади. Яъни хозирги кунда тиббиёт олийгохларида уз фаолиятини олиб бораётган халк табобати факультетида киска муддатда фанлар интеграцияси кесимида дарс олиб бориш мақсадида шахсан уз педагогик фаолиятим жараёнида уйлаб топилган.


Калит сузлар:*УУУ- чизмаси,педагог,инновацион,аутопсия,биопсия,дарс жараёни,шифобахш усимликлар.*

Тадкикот мақсади:*УУУ-чизмаси---бу устма уст учбурчак усули булиб,бунда асосий кузланган мақсад талаба ва педагог орасидаги богликлигини узлуксиз дарс охиригача таъминлаш,талабани бир пайтнинг узида бир неча фанлар билан боглаш, базавий билимини ошириш ва халк табобати усулини куллашни ургатишга таянади.*

Тадкикот материаллари ва усуллари:*Аутопсия- бу танатологиянинг асоси хисобланиб,улган организмдаги келиб чиккан касалликнинг сабабларини аниклаш, морфогенези, кечуви, патанатомияси: макроскопик ва микроскопик белгиларини, окибати ва ахамиятини аниклаш учун мурдани очиб текшириш усули.*

Биопсия - бу патологик анатомиянинг асоси хисобланиб,тирик организмдаги келиб чиккан касалликнинг сабабларини аниклаш, морфогенези, кечуви, патанатомияси: макроскопик ва микроскопик белгиларини, турларини окибати ва ахамиятини аниклаш учун олинган тежимани текшириш усули.

Шу уринда талабаларга кенг кулланиладиган биопсия усуллари: билвосита ва бевосита, пункцион, эндоскопик, экспрессион биопсияларни тушунтириш керак,чунки барча соха шифокорлари ушбу тушунчаларни билиши керак.





Бевосита биопсияда жаррохлик амалиётига мақсад килинган тукима олиб чикиб кетилади ва текширилади. Мас: аппендицит ташхиси билан кирилиб, шу аъзодан кесма олиш.

Билвосита биопсияда жаррохлик амалиётига кирилганда мақсадланган тукимадан ташкари ён атрофдаги тукимадан ҳам киркма олинади. Мас: бачадон миомаси ташхиси куйилиб, тухумдон кистаси аникланганда ундан кесма олиш.

Пункцион биопсияда бушликли, суюклик (кон, йиринг, сув) йигилишга мойил сохалардан махсус игна ёрдамида олиб, центрифугалаб, чуқмани текшириш усули.

Эндоскопик биопсияда ковакли аъзоларда бушлигига усган тукимадан киркма олиш усули.

Экспрессион биопсияда жаррохлик махалида шошилиш холатда жаррох тактикасини узгартириш мақсадида кулланиладиган текшириш усули. Бу усуллар Стоматология, ортопедия, терапия, онкология ва хок. Сохаларнинг барчасида кулланилганлиги учун талабалар чуқур англаши керак.

Шу билан бирга оралик танаффусда тиббиётга оид терминология куллаш оркали талабанинг терминологик хотирасини кучайтиришга каратилган. УУУ-чизмасидаги биринчи учбурчакнинг томонлари патанатомиянинг аутопсия, биопсия, морфогенез, кечуви, окибати ва ахамиятини англаб, иккинчи учбурчак фангача булган нормал фанлар: анатомия, гистология, биохимия, физиология, патфизиология асосларини, учинчи учбурчак эса кулланиладиган халк табобати шифобахш усимликлар богликлигини англади. Булар устма уст хар томонлама богликлик холатда мавзуни кенг тушунишга ердан беради. Баъзан устма уст усулда фаннинг уз мавзулари оралигида боглаш оркали утказиш мумкин.

Натижа: Бу усул уйлаб топилиши шахсан узимнинг малакавий ишим булиб, буни утказиш куйидагича:

Педагог дарсга киришдан олдин узига мавзу ва унга оид булган терминлар, аъзода юзага келадиган жараёнларни чуқур билиш учун кисман анатомик жойлашуви, гистологик тузилиши, биохимик жараёнлар кечуви, морфологик белгилари, патогенези хакида тулик маълумотга эга булиши, кроссвордлар, тест, вазиятли масалалар, микропрепаратлар, макропрепаратлар, утилаётган мавзуга тегишли шифобахш усимликлар, уларнинг тиббиётдаги роли ва ахамиятлари хакида билиши лозим.

Шунга асосланиб дарсга киришдан олдин режа тузиб олиши, педагог мажмуасига асосланиб, хронокарта соатига мослаб, мавзунинг асосий нуктасига эътибор каратиши, талабаларни кизикарли маълумотлар билан оралик танаффусда кисман чалгитиши керак. Бу талабада фикрлаш доирасининг юксалишига олиб келади.

Педагог дарсга кирганда авваламбор, саломлашади ва давоматни текширади, сунг хозирги кунда кечаётган тиббиётга алоқадор янгиликларни





навбатма-навбат талабалардан тайёрланиб келишига кура, сурайди ва узи шунга боғлаб гапиради. Талабаларни 3 гуруҳга бўлиб, айлана ҳолатда жойлаштиради, уларнинг ҳар бирининг столига мавзуга оид булган макропрепарат, микропрепарат куйиб чиқади ва эркин ҳолатда қолдиради, талабалар бу препаратларнинг жавобини мавзу муҳокамасидан сунг амалга оширишини тайинлайди.

Мавзунинг бошланишини яъни номланиши сабабларини қайсидир: масалан узбек гуруҳидан инглиз ва рус тилида, рус гуруҳидан инглиз ва узбек тилида қиска айтиб беришини талаб қилади, бунда талаба умуман билмайдиган терминларининг ҳеч булмаганда қандай аталишини англайди ва эслаб қолишига туртки бўлади.

Талаба жавоб бераётганда унинг фикри хох тугри, хох нотугри булсин, эшитилади, барча талаба узини фикрини айтгандан сунггина тулик, аниқ тугри таъриф педагог томонидан тулдирилади, сабаб талаба хато айтганда уни бирдан рад этиш қизиқишни сундиради. Бу кейинги мавзуларга уз таъсирини курсатади.


Мавзуга оид таърифда асосий мақсад терминни тугри тушуниб, англаб айтишга қаратилган. Дарс жараёнида педагог мавзуга оид саволлар шаблонини презентация экранда намоён қилиб қуйиши лозим, талаба экранга қараб педагог томонидан кейинги бериладиган саволларни кетма-кетлигини англайди ва бериладиган жавобларни беришга интилади, бу дарснинг узлуксизлиги ва педагог билан талабани давомий мулоқотини таъминлайди.

Мавзуга оид саволлар кетма кетлиги узаро боғлиқ ҳолда бўлиши керак, чунки бу билим мустақамланишида асосий роль уйнайди. Ҳар бир савол асосида албатта тестлар ва вазиятли масалалар билан яқунланиши керак, бунда актив қатнаша олмаётган талаба ҳам иложи борича жавоб беришга ва баҳолашишга олиб келади.

Мавзуга оид қасалликни тушунишида патологик анатомиянинг асоси булган аутопсия ва биопсия материаллари барча факультет ва курс талабалари учун қизиқарли ва тушунишига ас қотадиган усул ҳисобланади. Яъни 1 курс талабаларидан токи 6 курс талабаларигача барча фанлар аутопсия ва биопсия материаллари орқали олиб борилса, мақсадга мувофиқ, ҳақиқий даволовчи шифокорлар етишади.

Яъни институт укув амалиётини доимий эркин инновацион-секцион ҳона ташкил қилиш орқали қучайтириш лозим, бунда эркин навбатчилик ташкил этилиб, патанатом-педагог ҳар хил курс мурожаатига қарамасдан барчага қиска аниқ секция қилиш усуллари, кечуви, қуллашларни ургатиб борганда талаба қул билан ушлаб урганганини тулик англаб тушунади, бу қелажак авлод қизиқишини ва актив билим олишни оширади.

Педагогдан шундай маҳорат талаб қилинадики, бу усулда педагог томонидан ёритиладиган макро ва микропрепарат музоқара оралигига мос қелиши керак, яъни **мас:** усма мавзусининг инфилтратив усиши қандайлиги





хакида гапирилгандагина:уша мuddатда педагог шу макропрепаратни курсатиб,ушишни тахлил килиб,аъзолар:бушликли ва бушликсиз аъзолар мисолида курсатиши,иложи борича хар бир талабанинг якиндан куришини таъминлаш учун кулига тутказиши лозим,шунда талаба мавзунинг керакли нуктасини англайди.

Шу ораликда талаба мавзунинг деярли 50%ни тушунгандан сунг столларга шу мавзуга тегишли куллаш мумкун булган шифобахш усимликларни мас: уткир респиратор касалликлар мавзусида наъматак, туршак, мойчечак усимликлар куритмасини куйиб чикиши ва эркин вакт бериши керак. Бунда талаба ушбу усимликнинг тиббиётга оид лoитн номланиши,халк тилидаги номланиши, кайси касалликларда куллаш мумкин, кайси касалликларда карши курсатмалар борлигини ва кисман тайёрлаш усуллари хакида маълумот бериши керак.

Талаба ушбу маълумотларни тулик тушуниб англаши ва эслаб колиши учун педагог олдин утилган дарсдан кейин кейинги мавзуга доим вазифа бериб бориши керак.Талабалар билимини бахолашда махсус елимли стикерлар ердамида доскага епиштириш оркали бахоланиб борилади ,шунда талаба тахминий бахоланишини тушунади ва паст бахоланмасликка харакат килади.

Талабалар билан кроссворд ва сканвордлар устидан ишланганда унинг тез фикрлаши ва дунёкарашини тез узгаришига, терминологиянинг мустахкамланишига, вазиятли масала ечишда тезрок ташхислаш ва киёслашни урганади.

Талаба мавзуга доир сузлаётганда, бошка талабалар унинг фикрини диккат билан эшитишини талаб килиш унинг айтган хатоларини ким топса, яхши бахоланиши мумкинлигини дарс бошланишида айтилса, талабалар диккат билан тинглашга ва мавзуни тулакони тушунишга харакат килинади.

Талаба бахоланаётганда унинг терминларни тугри куллаши,макро ва микропрепаратни англаб етиши, анатомик тузилиши ва бошлангич гистологик билимининг борлигига асосланиб бахолаш даркор.Вазиятли масалалар ва тестлар ечилганда тугри ва нотугри жавоблар асослар келтирилиб,изохланиши керак,шунда талабадаги саволларга тулик жавоб олган булади.

Талаба мавзуга оид макро ва микропрепаратни альбомга ёзиб чизганда унга фанга оид кийинчиликларда ердам керак булади,сабаби талаба бу фанга янги кириб келаётганлиги сабабли тусиклар булиши аник.Агар педагог доимий изланиш оркали фанини чукур талабага етказа олса,талаба дарсдан ташкари фанга оид муаммолар билан доимий педагог билан мулокотда булади,бу фан тугараклари ташкил этилишида ва шу соха вакили булишига туртки булади. Яъни талабага макро ва микропрепаратни узлаштираётган талабага нормал аъзо микроскопик куринишини курсатиш,у нормани тушунгандан кейингина унга патологик холатни тушунтириш лозим.





Хулоса: УУУ-чизмаси ҳам педагог ҳам талаба учун кулай усул ҳисобланиб, педагогда уз устида ишлашга, сохани ривожлантиришда, илмий ёндашишда, инновацион-секцион маҳоратни оширишга кул келади, талабада эса бир пайтнинг узида анатомик, гистологик, патанатомик, секцион, биохимик фанларни такрорлаш ва мустахкамлаш, узаро боғлаш, касалликнинг морфогенезини англаш ва халқ таъбабини куллаш усулларини урганишга замин яратади.

УУУ-чизмаси усули ари уяси, айлана стол, балик скелети ва бошка усулларни бир узида жамлайди, лекин катта маҳорат талаб қилинади.

Тиббиётда кулланиладиган инновацион технологик усуллар орқали педагог маҳорати аниқ қуринади ва талаба билан мулоқотни мустахкамлайди.

Педагог кадрлар иш жараёнида институт ривожини учун доим уз устида ишлаши, соҳага оид булган технологияларни куллай билиши ва мавзуга монанд ҳолатда олиб бориши керак.

АДАБИЁТЛАР:

1. Б.А.Магруппов Патологик анатомиядан кулланма. 2012 й. Тошкент.
2. Б.А.Магруппов Секцион-биопсия курси. 2015 й. Тошкент.
3. Абдуллаходжаева М.С. Патологик анатомия. 2012 й. Тошкент. 1-2 том.
4. Педагогик технологиялар. Мирзаев А.А. 2008 й.

